

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 316.334.4(346.32)

МАТКАРИМОВА ЖАМИЛА ДУРДИЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИДА ҲУҚУҚНИ АНГЛАШ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

22.00.01- Социология назарияси, услубияти ва тарихи

Социология фанлари номзоди илмий даражасини олиш
учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент-2010

Иш Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг “Социология” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Алиқориев Нуриддин Сафоевич

Расмий оппонентлар: фалсафа фанлари доктори, профессор
Отамуротов Садулла Отамуротович

социология фанлари номзоди
Содиқова Шоҳида Мархабоевна

Етакчи ташкилот: **Тошкент Давлат Маданият институти**

Ҳимоя Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ва ЎЗР
ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги фалсафа
фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимояси
бўйича Д.067.02.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш асосидаги бир
маротабалик Ихтисослашган кенгашнинг “_____” _____ куни соат ____ да
ўтадиган мажлисида бўлади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар
шаҳарчаси, Форобий кўчаси 16, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университети Маданият саройи мажлислар зали.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
Университетининг Асосий кутубхонаси (Ахборот-ресурс маркази)да танишиш
мумкин. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ
Маъмурий биноси, 2 қават, 4-хона.

Автореферат 2010 йил “_____” _____ да тарқатилди.

Тамғали муҳр билан тасдиқланган тақризларни Бирлашган Ихтисослашган
Кенгаш илмий котиби (Тошкент шаҳри, 100174, Талабалар шаҳарчаси, Мирзо
Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Фалсафа факультети, 208-
хона) га юборишингизни сўраймиз.

Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш
илмий котиби, фалсафа фанлари доктори

Ш. О. Мадаева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият барпо этишни ўзининг стратегик мақсади қилиб белгилаган. Ушбу мақсадга эришишнинг асосий омилларидан бири ёшларнинг ҳуқуқий онги, маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтиришдир.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг асар ва нутқларида ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, бурчи ва масъулиятини пухта билиши шартлиги ҳамда уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамаса, олиб борилаётган ислохотлар, янгиланиш ҳақидаги барча сўзлар, саъй-ҳаракатлар бесамара кетавериши ҳақида таъкидланади. “Фуқароларга берилган ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилинган қонун-қоидалар доирасида амал қилиши керак. Бу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституциявий ҳуқуқларини унга шу ҳуқуқни берадиган қонунларни пухта билишлари зарур”¹. Худди шунингдек, “Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга. Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир.

Шу боисдан ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиклол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди”². Демак, баркамол авлодда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш жамиятимиз ижтимоий-маънавий ва ҳуқуқий тараққиётининг мезони ва бош мақсадидир.

Бозор иқтисодиёти ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришни, кишиларда, айниқса ёшларда туб ўзгаришларга мос янгича фикрлаш ва ишлашни, ҳуқуқий билимларни чуқур ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, “.....аҳолининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини, онги ва фуқаролик маъсулиятини ошириш...”³ долзарб масалага айланыпти.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги куйидаги омиллар билан белгиланади:

Биринчидан, республикамызда ёшларга эътибор ва ғамхўрлик масаласи мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз сиёсатидаги муҳим вазифалар қаторидан ўрин олди. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни бунинг яққол мисолидир. Ёшларга эътибор берилишини янада кучайтириш мақсадида Президентимиз И.А.Каримов томонидан 2008 йил “Ёшлар йили”,

¹ Каримов И.А. Халқимиз жипслиги-тинчлик ва тараққиёт гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.47.

² Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 77.

³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –Б.42.

2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият ишларига кенг жалб этиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада оширишга замин яратди. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган бу каби ишлар “ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгалари”¹ эканлигини амалда тасдиқлайди.

Иккинчидан, мамлакатимизда иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий тизим ва жамиятни маънавий юксалтириш соҳасида кенг кўламли ислохотлар ўтказилиб, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан мустаҳкам пойдевор асосида такомиллаштирилмоқда. Давлат бошқарувида фуқаролар ва ёшларнинг иштирокини кенгайтириш борасида ҳуқуқий механизмларнинг оптимал вариантini ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ёшларни жамият ва давлатни бошқаришнинг фаол субъектларига айлантириш ва уларда ўзликни англаш туйғусини ҳамда сиёсий-ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш стратегик мақсадларга етакловчи вазифалар бўлиб турибди.

Учинчидан, ёшларда ҳуқуқни англаш жараёнларини социология нуқтаи назаридан илмий ўрганиш, ҳуқуқий тизим хусусият ва тараққиёт қонуниятлари ҳамда функциялаштирилишини тўла ва чуқурроқ англаш имкониятини янада кенгайтиради. Социологик тадқиқ этиш, унинг ижтимоий воқелик билан алоқаси ва ўзаро муносабатини ўрганишга, бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган тасаввурларни ўзгартиришга тўртки бўлади, бу эса турли ижтимоий омилларнинг ҳуқуқий шаклланиши, ҳаракатидаги роли ва аҳамиятини очиқ беради. Шунингдек, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий бошқаришда эҳтиёжларни олдиндан кўра билиш, ҳуқуқий меъёр ва қонун лойиҳаси концепцияларини ишлаб чиқиш, қабул қилинган ҳуқуқий меъёр ва самаралилик даражасини назорат қилиш заруриятининг туғилиши табиийдир. Зеро, “қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмас”².

Тўртинчидан, ҳуқуқни янги ғоя ва қарашлар асосида илмий ўрганиш ҳуқуқнинг институтлаштирилишига ва ҳуқуқий масалаларни ишлаб чиқишнинг кенгайиши, тезлаштирилишига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда уни ривожлантиришнинг янги ташкиллаштирилган шакллари пайдо бўлишига кўмаклашади. “Ва энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланилишини сезиларли даражада қийинлаштиради, қонунларнинг ижро этилмаслигига, ҳуқуқий ниғилизмга, яъни

¹ Каримов И.А. Халқимиз жипслиги-тинчлик ва тараққиёт гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – Б.81

² Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь*). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.14.

ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади”¹.

Бешинчидан, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш заруриятидан келиб чиқиб, республикаимизда 1997 йил 29 августда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури» қабул қилинган. Бу ёшларда ҳуқуқни англаш ва ҳуқуқий маданият муаммоларини тадқиқ этишнинг социологик негизини ривожлантириш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва уни англаш ҳолатини аниқлаш учун сўровлар ўтказиш, ҳуқуқнинг ижтимоий қадри ва тартибга солувчанлик вазифаси тўғрисида жамоатчилик фикрини билиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Олтинчидан, бугун инсон ҳуқуқи ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш масалалари шу куннинг долзарб мавзусига айланаётган экан, ҳуқуқий ривожланишнинг ижтимоий-иқтисодий манбалари, объектив омилларининг тизимли таҳлили муаммоларини ечиш ва ижтимоий механизмини яратиш илмий эҳтиёж даражасига кўтарилади. Бу эса ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаолиятида ҳуқуқ соҳалари вазифаларининг тутган ўрни ва аҳамиятини социологик асосларини ишлаб чиқиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий меъёрлар асосида бошқариш механизми қонуниятларини тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон ёшларининг ҳуқуқий ижтимоийлашувини таъминлайдиган, жамиятдаги ижтимоий барқарорлик ва тартибни сақловчи тизим сифатида ҳуқуқни ўрганиш ва ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнини тадқиқ этиш масаласи илмий изланишда муҳим аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳуқуқни англаш жараёнлари ва ижтимоий жиҳатлари, ҳуқуқий онг, маданият, маънавият, мафкура, сиёсат, давлат бошқаруви, ҳуқ-атвор, қонун, ахлоқ ва ижтимоий муносабатлар ҳақидаги фикрлар асосида ҳар бир даврда ўзига хос тарзда Шарқ ва Ғарб намояндалари ижодий меросида ўз аксини топган. Алломаларимизнинг жамият маънавий тикланишини амалга оширишга хизмат қилувчи концептуал ғояларида ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш зарурияти илмий асосланган.

Ал-Мотуридий² ижодида инсоннинг ихтиёрий эркинлиги, Ал-Марғинонийда³ ислом динида фуқаролик ҳуқуқи асослари, Ал-Форобийда⁴ ва бошқа мутафаккирлар асарларида инсон эрки, жамият қонунлари ва давлат бошқаруви нуқтаи назаридан ўрганилган.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь*). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010, – Б.14.

² Қаранг: Уватов У. Имом ал – Мотуридий ва унинг таълимоти. – Тошкент: Фан, 2000. – Б.47., Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 2000. – Б.42.

³ Бурхониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя. 1-жилд. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б.848., Хидоя. Комментарий мусулманского права. – Тошкент: Узбекистан, Т.1. 1994. – С.480.

⁴ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Танланган асарлар. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. – Б.48., Аль- Фараби. Гражданская политика- Аль Фараби. Социально этические трактаты. –Алма-Ата.: Наука, 1973. –С.264.

Ғарб мамлакатларида ҳам антик, ўрта асрлар ва янги даврларда инсон ҳуқуқлари масаласига катта эътибор қаратилган. Антик даврда Платон¹, Аристотель², Цицерон³ асарларида “табiiй ҳуқуқ”нинг натуралистик концепцияси устувор бўлган бўлса, Ўрта аср ва Уйғониш даврида Фома Аквинский ва Гроций⁴ томонидан инсон ҳуқуқлари “табiiй ҳуқуқ” нинг илоҳиёт (теологик) концепцияси яратилган. Янги давр инсон ҳуқуқлари “табiiй ҳуқуқ”ининг рационал ва метафизик концепцияси Гоббс⁵, Локк⁶, Руссо⁷, Гегель⁸, Гегель⁸, Савиньи⁹ томонидан ўрганилган бўлиб, кейинчалик позитив ҳуқуқ ва унинг синфий, социологик, юридик ҳамда психологик йўналишлари юзага келган.

Социологлар О. Конт, Г. Спенсер қарашларида ҳуқуқий муаммоларнинг шаклланиши ва роли, Э. Дюркгеймда ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқ ва ахлоқ ўртасидаги муносабатлар, М. Вебер асарларида ижтимоий ҳаракат ва Е. Эрлихда ҳуқуқнинг ижтимоий шарт-шароитлари, П.А. Сорокин¹⁰ ҳуқ-атвор ва ижтимоий назорат масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Скандинавия ҳуқуқ социология мактаби вакиллари А. Хегерстрем, В. Лундстерт ва С. Пасс¹¹ қарашларида ёшлар ва ижтимоий-ҳуқуқий муаммолар: фаолият, адолат ва ҳуқуқ жиҳатлари ўз ифодасини топган.

Собиқ Иттифоқ даврида ҳуқуқни англаш ҳуқуқшунослар, социологлар ва психологлар томонидан ўша давр мафкураси нуқтаи назаридан ўрганилган. Ушбу соҳада тадқиқот олиб борганлар орасида В.Н. Кудряцев¹², И.Е. Фарбер¹³, С. Попов¹⁴, В. Леванский¹⁵, В. Боряз¹⁶ кабилар ижодида қисман социологик жиҳатларига эътибор берилган. Уларнинг илмий қарашлари собиқ иттифоқ даври муҳитида яратилган ва ўша давр ғояларини ўзида акс эттирган. Ҳозирги кундаги олимлардан Ю.Р. Вишневский, В.Т.Шапко¹⁷, Ю.Г. Волков, В.И. Добренев¹⁸, В.Т. Лисовский¹⁹, А.И. Ковалева ва бошқаларнинг илмий ишларида ёшларнинг ижтимоийлашув омиллари ва характери жиҳатлари ўрганилган. Лекин бу илмий ишлар фақат Россия муҳитини ифодалайди.

Мустақиллик туфайли жамият, давлат, миллат, маънавият ва ҳуқуқий омиллар масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар кўплаб яратила

¹ Платон. Законы. – М.: Наука, 1993. – С. 114.

² Аристотель. Метафизика. – М.: Наука, 1964. – 124 с.

³ Цицерон. О Государстве. – М.: Прогресс, 2000. – С.28.

⁴ Карант: Алексеев С.С. Философия права. – М.: Юридическая литература, 1999. – С. 20 -45.

⁵ Гоббс Т. О гражданине. – СПб.: РХГИ, 1996. – 264 с.

⁶ Локк Дж. Два исследования (трактата) о правительстве. – СП (б): Питер, 1999. – 420 с.

⁷ Руссо Ж.Ж. Общественный договор. – М.: Наука, 1994. – 384 с.

⁸ Hegel G.W. Grundlagen der Philosophie des Rechts. – Berlin, 1992. S. 480.

⁹ Карант: Касьянов В.В., Нечипуренко В.Н. Социология права. – Ростов н/Д.: Феникс, 2001. – 34 с.

¹⁰ Сорокин П.А. Человек, Цивилизация, Общество. – М.: Политиздат, 1992. – 382 с.

¹¹ Карант: Ксенофонов В. Н. Социология права. Методические рекомендации.. – М.: Юрист, 2004. – 7 с.

¹² Кудряцев В.Н. Право и поведение. – М.:Юрид. литература, 1978. – 192 с.

¹³ Фарбер И.Е. Правосознание как форма общественного сознания. – М.:Наука, 1963. – 364 с.

¹⁴ Попов С.К. Общественные законы: Сущность и классификация. – М.:МГУ, 1981. – 230с.

¹⁵ Леванский В.А. Моделирование в социально-правовых исследованиях. – М.: Наука, 1986. – 302 с.

¹⁶ Боряз В. Молодёжь. Методологические проблемы исследования. – Ленинград: Наука, 1973. – 65 с.

¹⁷ Вишневский Ю.Р., Шапко В.Т. Социология молодёжи. – Екатеринбург.: ГОУ ВПО УГТУ-УПИ, 2006, – 430 с.

¹⁸ Волков Ю.Г., Добренев В.И. Социология молодёжи: учебное пособие / под ред.проф. Ю.Г. Волкова. – Ростов н/Д., 2001. – 15 с.

¹⁹ Лисовский В.Т. Социология молодёжи // Социологический словарь. 2 изд. – Минск, 1991. – 407 с.

бошланди. Кўпгина адабиётларда ҳуқуқ ва уни англашнинг янги талқин ва ёндошувлари ёритилган бўлсада, социологик жиҳатдан унинг назарий асослари ҳали тўла тадқиқ этилмаган. Р.Ж. Рўзиев¹, В. Топилдиев², З. М. Исломов³, А.Х. Саидов⁴, Ҳ.Р. Раҳмонқулов⁵, Ж. Таджихонов⁶, Э. Халилов⁷, Ж.З. Ўразаев⁸лар ҳуқуқий меъёр ва миллий ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги, фуқаролик ҳуқуқининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ қилган. Файласуфлардан Б.Т.Тўйчиев, А.Қ.Қодиров, С.О. Отамуродов⁹ каби файласуфлар ҳуқуқ фалсафасининг назарий-методологик асосларини, З.Р.Қодирова, Ш.О. Мадаева¹⁰ каби файласуф олимларимиз фуқаролик жамиятида ёшларнинг ўрни ва уларнинг ижтимоий фаоллиги муаммоларини тадқиқ этганлар. Ёш социологлардан С.С. Отамуродов¹¹, Д.А. Раҳимбаева¹², Н.М. Латипова¹³, А. Юнусов¹⁴лар эса ёшларнинг ўз-ўзини англаши, уларга ижтимоий ўзгаришлар таъсири ва ижтимоий девиантлик ҳолатлари миллий хусусиятлардан келиб чиқиб, Ф.Мусаев, С. Ходжаева, Р.Э.Турдибоева ва Н.Н. Хасановлар¹⁵нинг илмий ишларида ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти масалалари бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

¹ Рўзиев Р.Ж. Фуқаролик ҳуқуқи. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005. –Б.36.

² Топилдиев В., Рўзиев Р.Ж. Рим фуқаролик ҳуқуқи. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2005. –Б.36.

³ Исламов З. Общество. Государство. Право (вопросы теории). – Тошкент: Адолат, 2001. С.508.

⁴ Саидов А., Таджихонов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Шарқ, 1999. –384 б.

⁵ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. –Б.324. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Хусусий мулк ҳуқуқининг моҳияти ва аҳамияти. / Ҳуқуқ. Права.LAW. –Тошкент, 1999. – № 3 (7). – Б. 23-26.

⁶ Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 1-2.Том. – Тошкент: Адолат, 1998. –Б.316.

⁷ Халилов Э. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б.48.

⁸ Ўразаев Ж.З. Римское права. – Тошкент: Академия, 2000. –268 с.

⁹ Тўйчиев Б.Т. Ҳуқуқ фалсафаси. – Тошкент: Университет, 2004. –156 б., А.Қ.Қодиров. Сиёсат фалсафаси. – Тошкент, 1999. – 41б., С.О.Отамуродов ва б. Маънавият асослари. – Тошкент: Маънавият, 2000. –192 б.

¹⁰ Кадырова З.Р. Повышение социальной активности и толерантности молодёжи как важной духовно-нравственной основы гражданского общества в Узбекистане // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2006. – № 1. – С. 73-75., Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.-250 б., Формирование экономической активности молодёжи Узбекистана. // Экономический вестник Узбекистана. – Ташкент, 2004, – № 7-8, – С. 62-63.

¹¹ Отамуродов С.С. Национальное самосознание социальной активной части молодёжи и его функционирование в условиях независимого Узбекистана (социологический анализ): Автореф. дис...канд. социол. наук. – Тошкент: ТашГУ, 2000. –28 с.

¹² Раҳимбаева Д.А. Семейно-бытовые традиции в формировании национального самосознание молодёжи (на материалах Республики Узбекистан): Автореф. дис.. канд. филос. наук. –Тошкент: ТашГУ, 1993.

¹³ Латипова Н. Молодёжь в социальной структуре узбекистанского общества // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2004. – №4. –С. 138-145., Латипова Н.М. Образование в профессиональном становлении молодежи Узбекистана // Социологиянинг долзарб муаммолари. УзМу социология кафедрасининг илмий тўплами. – Тошкент: Университет, 2005. – Б. 194 -200., Латипова Н.М., Умурзакова Р. Ўзбекистон ёшларига жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларнинг таъсири // Иқтисод ва таълим. – Тошкент: Тошкент Давлат иқтисодиёт университети – 2006. – №3. – 24-28 бетлар., Латипова Н.М. Молодёжь в социальных теориях // Ижтимоий-сиёсий фанларнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Университет, 19-21 апрель, 2006. – С. 35-38.

¹⁴ Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Социол. ... фанлари номзоди дис. – Тошкент: ЎзМУ, 2004. – 168 б.

¹⁵ Мусаев Ф.А. Духовные изменения в сельской молодежной среде Узбекистана в условиях рыночных отношений: Дис. ... канд. филос. Наук. –Ташкент: АН РУз, ин-т философии и права им. И.М.Муминова, 1997. –147 с., Турдибоева Р. Э. Талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари: Юридик фанлари номзоди...дис. – Тошкент: И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти, 2000. – 185 б., Ходжаева С.А. Правовая культура и проблемы развития социально-правовой активности женщин Респубики Узбекистан: Дис. ... канд. юрид. наук. – Тошкент: МВД РУз, Академия, 2004. –165 с., Хасанов Н.Н. Истиклол даврида ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш жараёнларининг социологик таҳлили: Социология фан. номзоди дис...Автореф. – Тошкент: ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси, 2007. –23 б.

Ҳуқуқ ва унинг ёшлар томонидан англаш жараёнларининг баъзи жиҳатлари ўрганилган бўлсада, уларда масаланинг социологик хусусиятлари ва вазифаларига етарли эътибор қаратилмаган. Шунинг учун мазкур тадқиқотда ёшларда ҳуқуқни англаш жараёнларининг назарий-социологик масалалари тадқиқ этилди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети “Социология” кафедрасининг “Барқарор жамият тараққиётининг ижтимоий муаммолари” номли илмий тадқиқот дастури доирасига киритилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнларига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни назарий-социологик таҳлил қилишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- ҳуқуқнинг ижтимоий вазифасини социологик ёндошув асосида ўрганиш;
- ҳуқуқни англаш жараёнларини социологик таҳлил қилиш;
- ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнларида ижтимоий-маънавий хусусиятларнинг аҳамияти ва ролини аниқлаш;
- ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнларида институционал тизимнинг ўрнини ўрганиш;
- дунёвий ва диний ҳуқуқнинг ижтимоийлашув эволюциясини илмий ёритиш, унинг назарий асосини ижтимоий тизим сифатида ўрганиш;
- шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувининг объектив ва субъектив омилларини тадқиқ этиш.

Тадқиқот объекти: Ўзбекистон ёшларида ҳуқуқни англаш жараёнлари ва унга ижтимоий омилларнинг таъсири.

Тадқиқот предмети: ёшлар томонидан ҳуқуқни англаш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви, шахс ҳуқуқий онги ва маданиятига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар.

Тадқиқот методлари: қиёслаш, кузатиш, умумлаштириш, диалектик, системали-функционал ва структурали-функционал, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, социометрия ва оммавий сўровнома.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Ёшларнинг ҳуқуқни англашида социомаданий гуруҳ сифатидаги ўзига хосликлари муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ёшларнинг ҳуқуқни англашига тўсиқ бўлувчи ижтимоий муаммоларни таҳлил этиш ва жамиятда мавжуд бўлган ҳуқуқий меъёрларга нисбатан қарашларини аниқлаш ҳуқуқий ижтимоийлашув ва мослашув жараёнидаги муаммоларни ечиш имкониятини беради.

Ёшларни ижтимоий ҳаёт ва жамиятни модернизациялаш жараёнларига дифференциал нуқтаи назаридан жалб этиш, уларнинг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган социал-педагогик ва маърифий тадбирларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ёшларнинг ҳуқуқни англаш даражаси янада юксалишига олиб келади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- ҳуқуқ ва ҳуқуқни англаш жараёнига нисбатан социологик ёндашувни шакллантирилиши;

- ҳуқуқ тушунчасининг илмий-социологик таҳлили;
- ҳуқуқни англаш жараёнларининг институционаллашуви ва унинг ижтимоий аҳамияти;
- ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнлари ва унинг ўзига хос ижтимоий киёфаси;
- ҳуқуқни англаш жараёнининг самарадорлигини таъминловчи тузилмавий омилларнинг шакллантирилиши.

Ишнинг илмий янгилиги:

- ҳуқуқ ва уни англаш жараёнлари социологик таҳлил этилган;
- ёшларда ҳуқуқни англаш жараёнининг шаклланишига доир масалалар ўрганилган;
- ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнларида шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви, ҳуқуқий онг ва маданият роли аниқлаштирилган;
- ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнига ҳуқуқнинг ижтимоий феномен ва назорат институти сифатидаги таъсири тадқиқ этилган;
- “горизонтал ва ихтисослаштирилган ҳуқуқий ахборотлар” тушунчалари илмий таҳлили социологияда илк бор қўлланилган;
- ҳуқуқни англаш жараёнларининг эволюцион тавсифга хослиги асосланган;
- шахслараро муносабатларнинг ривожланиши ва ижтимоий тартиб ўрнатилишида ёшлар томонидан ҳуқуқни англаш жараёнларининг тутган ўрни ўрганилган;
- ёшлардаги ҳуқуқни англаш жараёнларининг ҳуқуқий онг ва маданиятга ҳамда унга таъсир этувчи омиллар – социограмма, диаграмма ва графиклар асосида тадқиқий ўрганилиб, илмий таклиф ва тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Социологиянинг интегратив йўналиши бўлган ҳуқуқ социологияси ҳақидаги илмий ва назарий билимларни бойитиш ва такомиллаштиришда тадқиқот хулосалари асос бўлиб хизмат қилади. Ёшлардаги ҳуқуқни англаш жараёнларини тадқиқ этиш, ҳуқуқий тараққиётни ўрганиш ва унинг ўзига хос томонларини илмий баҳолашга имкон беради.

Тадқиқотнинг хулоса ва умумлашмаларидан республикамізда олиб борилаётган ҳуқуқий ислохотларни ҳаётга тадбиқ этиш, “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури” вазифаларини рўёбга чиқариш, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ёшларнинг ҳуқуқий онгига ижобий таъсир кўрсатиш ҳамда мавжуд педагогик муаммоларни ечишда фойдаланиш мумкин. Олий ўқув юртларининг бакалаврият босқичидаги талабаларига “Социология” ва “Фалсафа” фанларидан маъруза ва семинар машғулотларини олиб боришда фойдаланилгани диссертациядаги илмий таҳлиллар ва хулосаларнинг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларидан миллий ҳуқуқ тизимида ислохотлар ўтказиш ва такомиллаштиришда, ижтимоий-сиёсий фанларда янги дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда илмий-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертацияда чиқарилган хулоса, таклиф ва тавсиялар Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ фалсафа факультетининг

“Социология” кафедраси ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти “Фалсафа ва сиёсатшунослик” кафедраларининг ўқув жараёнида, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий тадбирлар ва иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича олиб бориладиган дастурларда кенг фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Фалсафа факультети “Социология” кафедрасида тайёрланган ва (2006 йил 28 июнь, №20 сонли мажлис баённомаси) Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг “Фалсафа ва сиёсатшунослик” кафедрасида (2007 йил 19 январь, № 10 сонли мажлис баённомаси) ва Тошкент давлат юридик институтида (2008 йил 23 декабр) ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.02.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган Кенгаш қошидаги Илмий семинарда (2009 йил 28 ноябрь № 4 сонли мажлис баённомаси) муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари ва хулосалари муаллифнинг 5 та журнал, 6 та илмий тўпламда эълон қилинган мақолалари ва 4 та услубий қўлланмасида ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 бетдан иборат бўлиб, “Кириш”, олти параграфни ўз ичига олган уч боб, “Хулоса”, “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” ва “Илова”лардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари, илмий фарази, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган.

Диссертациянинг 1-боби **“Ҳуқуқни англаш жараёнларининг методологик асослари”** деб номланиб, унда ҳуқуқ, унинг вазифаси, жамиятда тутган ўрни, ўзига хослиги ва моҳияти социологик таҳлил қилинган.

Жумладан, бобнинг “Ҳуқуқни англаш жараёнларини тадқиқ этишнинг назарий социологик асослари” номли биринчи параграфида ҳуқуқ социологик жиҳат ва ижтимоий назорат воситаси, ижтимоий муносабатларни бошқарувчи ҳамда жамиятда барқарорликни таъминловчи институт сифатида ўрганилади. Социологияда ҳуқуқ жамиятда муносабатлар тартибини бошқарадиган ва барқарорлигини таъминлайдиган ижтимоий институт сифатида қаралган. XVIII-XIX асрларда ҳуқуқни социологик жиҳатдан тушуниш, англаш муаммосини француз социологи О. Конт тартиб ва тараққиёт нуқтаи назаридан тушунтиради. Унинг қарашларида объектив ҳуқуқ муҳим ўрин эгаллаб, уни “фуқаролик тартиби”¹ тушунчасида ифодалаган. У “тартиб”ни жамиятнинг юқори

¹ Қаранг: Riffel H. Rechts soziologie. Eine sistematische Orientierung. – Nuewied Berlin (West): Luchterhand, 1974. S. 44.

тушунчаси сифатида изоҳлаб, жамиятдаги қонун-қоидаларни шу тушунча орқали анатомик ўрганиб, сиёсий-динамик ёндошув орқали жамият тараққиётини структурал таҳлил қилган. Э. Дюркгейм жамиятда жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда унга таъсир этувчи омилларга эътибор қаратган. Унинг фикрича, жамиятда ҳуқуқ ва маънавият меъёрлари пасайса, шахс масалалари ва ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар орасида қарама-қаршилик кучайиб кетса ижтимоий аномия вужудга келади¹. Инсоннинг ҳуқуқ-атвор ва ахлоқ меъёрларидан оғиш ҳолатларини аномия тушунчаси орқали ҳуқуқий тизим ҳамда қонунларнинг ижро механизмларига эътибор бериб, ахлоқ ижтимоий факт сифатида биринчи ўринга қўйилади. Яъни, инсон ҳуқуқ, эркинлик тушунчаларини англаб етмаса унга қарши ҳаракат қилади, деган ғояни илгари суради. Француз социологи Л. Дюги “Ҳуқуқий меъёр юқори даражадаги ягона ижтимоий меъёрни ифодалаб, иқтисодий, ахлоқий меъёрларга мослаштирилгандир (мувофиқлаштирилгандир)”,² деб таъкидлайди. Олим қонунларга объектив ҳодиса сифатида қараб, унда қадрият ва мажбурият кучи мавжудлигини эътироф этади. Немис социологи М. Вебер “Ҳуқуқнинг реаллиги рационализмга йўналтирилган ривожланишдадир”³, деб таърифлайди. Рационализация асосида ҳуқуқ ривожланишини таъкидлаб, инсон ижтимоий ҳуқуқининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, жамият ривожига сабаб бўлган қонунлар ечимини кўрсатиб беришдан иборат⁴, дейди. Демак, иррационалликдан рационалликка ўтишда ижтимоий муносабатларда ҳуқуқнинг реаллик хусусияти намоён бўлади. Бу ҳолатни объектив ҳуқуқдан субъектив ҳуқуққа ўтиш ҳолати деб изоҳлаш мумкин. Ж. Гурвич фикрича, “Ҳар қандай жамиятда индивидуал эркинлик ижтимоий жиҳатдан чегараланган”⁵. Ж. Гурвич индивидуал эркинлик чегараланмаса, бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишини тушунмаган. У кўпроқ индивидуал ва жамоа эркинликларининг ижтимоий детерминистик муносабатларига эътибор қаратган. Е. Эрлих “Ижтимоий ҳаётда қонун эмас, балки иш ҳужжатлари ҳукмрондир”⁶, деб тушунган. У ҳуқуқнинг ривожланишини қонун чиқариш ёки суд амалиётининг ўзида эмас, балки жамият ривожланишида кўради. Е. Эрлих қонун ва ҳуқуқий меъёрлар ўз ҳолича ҳеч нарсани билдирмаслигини таъкидлаб, у ижтимоий-иқтисодий муносабатларда англаб етилсагина аҳамиятлидир, деб тушунтиради.

Демак, ҳуқуқ объектив ижтимоий ҳодиса бўлиб, субъект томонидан англаниб, ижтимоий ҳаётга олиб кирилади ва шунга кўра, ҳуқуқнинг ижтимоий хусусияти намоён бўлади. Америкалик социолог Л.Мейхью “социологик нуқтаи назардан ҳуқуқ ижтимоий жараён сифатида англаниши керак, ҳуқуқни

¹ Дюркгейм Э. Метод социологии. – М.: Наука., 1999. – 390 с., Durkheim E. Ethics and the Sociology of Morals. – Buffalo: Prometheus Books. 1993. S. 460., Қаранг: Amann A. Soziologie: Ein Leitfaden zu Theorien, Geschichte und Denkweisen. – Wien: Koeln; Weimar: Boehlau Verlag. 1991. – P.400. Масионис Дж. Социология.- 9-е изд. – СПб.: Питер, 2004. – 264 с.

² Дюги Л. Конституционное право. Общая теория государства. – М.: Юрист, 1998. – 456 с.

³ Max Weber. Wirtschaft und Gesellschaft Grundriss: d. Verstehen den soziologie /Max Weber. Besorgt von Johannes Winkelmann.-5., rev. Aufl., Studienausg. – Tübingen: Mohr., 1980. S 181-195., Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990. – 499 с.

⁴ Max Weber. The Protestant Ethic and the Spirit of Capitalism. – New York: Scribner`s, 1958. S. 384., Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990.- 499 с.

⁵ Gurvitch J. Sociology of Law. – London, 1947. – 48 P.

⁶ Ehrlich E. Grundlegung der Sociologie des Rechts. – München, 1913. S. 405.

ижтимоий жараён сифатида тушуниш – бу ҳуқуқий меъёрларнинг функционал аҳамиятини тушуниш демакдир”¹, деб таъкидлайди. У ҳуқуқнинг институтционал тизим сифатидаги роли ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади. Америкалик социолог Роско Паунднинг фикрига кўра, “Ҳуқуқнинг мақсад ва вазифаси, шу жамиятда яшаётган кишиларнинг реал эҳтиёжлари, хоҳиш-истаклари, талабларини жамоавий ёки шахсий қондиришдир”². Демак, бунда ҳуқуқ фақат реал эҳтиёж сифатида қаралади. Эҳтиёж эса доимо ўзгариб боради. Бу нуқтаи назардан қараш ҳуқуқни тез-тез ўзгаришини тақозо этади. Бу жараён инсон томонидан англандасликка ва жамият меъёрларига нисбатан қарши ҳаракатни юзага келтиришга сабабчи ҳам бўлади. Л.И. Петражицкий “Шахс психологияси ҳуқуқ асосини ташкил этади ва унинг ривожланишини ҳаракатга келтирувчи манба”³, деб ҳисоблайди. Унинг илмий ишларида ҳуқуқ асосан психологик ёндошув орқали таҳлил қилиниб, уларда ҳуқуқнинг социологик характери инкор этилади. Унинг ёндашуви субъективизмга асосланган. Б.А. Кистяковский эса объектив ҳуқуқ тўғрисида фикр юритиб, ҳуқуқнинг рационал ва иррационал жиҳатларини⁴ реалистик нуқтаи назардан талқин этган. Демак, ҳуқуқнинг у ёки бу томонларини социологик қандай тадқиқ этишидан қатъий назар, аввало инсон томонидан англаб етилишига алоҳида эътибор берилган. Яъни, ҳуқуқнинг объектив ҳодиса ва ижтимоий жараён сифатида субъектга таъсирини, субъект томонидан билдирилган муносабат асосида ҳуқ-атворда намоён бўлиши ўртасидаги сабабий боғлиқликни тушуниш, тушунтириш ва изоҳлашга ҳаракат қилганлар. Бундай тадқиқотлар натижасида социологияда ҳуқуқни ўрганишнинг прагматик, функционал, психологик, структуралистик ва систематик ёндашувлари юзага келганлигини кузатамиз. Шунингдек, диссертант ҳуқуқнинг реаллик хусусиятини ва объектив ижтимоий ҳодиса сифатида ҳам таҳлил этган. Чунончи, қонун меъёр бўлиб, объектив ҳодиса ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиши унинг реаллигини таъминлайди. Демак, ҳуқуқнинг инсон томонидан англаниши, унинг меъёрлаштириш хусусиятига эғалигини кўрсатади ва ахлоқий, маданий, иқтисодий меъёрларга мувофиқлаштириши уни ижтимоий муносабатлар элементида айлантиради.

Диссертацияда ҳуқуқнинг объектив ва субъективлик хусусияти, позитив ва мантикий ҳамда эволюцион характерлиги асослаб берилган. Ижобий ҳуқуқнинг асосий вазифаси объектив қонун меъёрларига ҳурматни таъминлашдан иборат. Яъни, объектив ҳуқуқ одатда индивидлар онгида кутилмаганда пайдо бўлганлиги боис, мазмунга эга бўлсада, ҳали шаклан етилмаган бўлиб, унда ижобий ҳуқуқ бирламчи қўлланишни таъминлашга қаратилгани билан мазмунсиздир. Ижобий ҳуқуқ меъёрлари “тузилган”, “конструкцияланган” бўлишига қарамай, объектив ҳуқуқ доирасиз “мазмунсиздир”. Ана шу объектив ҳуқуққа бўйсуниб ҳаракат қилиш – шахсни

¹ Мейхью Л. Социология права // Американская социология. Перспективы, проблемы, методы. – М.: Прогресс, 1972. – С. 233-238.

² Қаранг: Оспанов. С.И. Социология права: Учеб. пособие для ВУЗов. – Алмата.: Рарибет, 2002. –50 с.

³ Петражицкий Л.И. Очерки философии права. – СП (б) : Питер, 1900. – С. 21.

⁴ Кистяковский Б.А. Философия и социология права. – СП (б) : РХГИ, 1999. – С. 154 -221.

ҳуқуқ субъектига айлантиради. Муаллиф ҳуқуқнинг “фуқаролик” тушунчаси ва ҳуқуқи асосида субъект томонидан янада чуқуқроқ англаб борилиши асосида ҳам таҳлил этган.

Бобнинг “Ижтимоий ўзгаришлар жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг ривожланиши тенденциялари” номли иккинчи параграфида Антик даврда “табиий ҳуқуқ”нинг натуралистик, ўрта аср ва Уйғониш даврида инсон ҳуқуқлари “табиий ҳуқуқ” нинг илоҳиёт, янги давр инсон ҳуқуқлари “табиий ҳуқуқ” нинг рационал ва метафизик концепцияси устуворлиги, позитив ҳуқуқ ва унинг хилма-хил йўналишлари (синфий, социологик, юридик ва психологик) асосида ўрганилган. Антик даврда ҳуқуқнинг ғайритабиий кучи ва қудрати билан ахлоқий таъсирини изоҳлашган. Ҳуқуқ бу инсонга аниқ ахлоқий чегарани белгилаб берувчи ишонтириш ва таъсир этиш (рационал ва ғайритабиий) кучи деган ғоя греклар томонидан тан олинган¹. Бу фикрни хусусан Афлотун ва Арастуа учратиш мумкин. Цицерон ўз асарида табиий ҳуқуқ тушунчасини қуйидагича таърифлайди: “Ҳақиқий қонун инсон ақл-идроки тўғри қабул қилган нарсани ифодалайди. Қонун табиат билан муросада бўлиб, ҳамма жойда бор ва абадий мавжуддир. У жиноят ҳамда разилликдан қочиб, бурчни бажаришга ундайди. Қонуний йўл билан юклатилган мажбуриятдан ҳеч қандай сенат ёки ҳеч ким озод бўла олмайди. Барча халқлар барча даврларда бу абадий қонунга итоат этади”². Фуқаро қабул қилинаётган қонунларнинг чинакам моҳиятини тўла тушуниб етганда эркин бўлади. Агар илоҳий ҳуқуқ муқаддас китобларга асосланса, табиий ҳуқуқ ҳеч қандай илоҳий ҳуқуқдан деярли фарқланмайди. Авлиё Фома³ ақл ва эътиқодни бир-бирига қарама-қарши қўймаган. Табиий ҳуқуқ, ҳуқуқнинг илоҳий концепцияси доирасида асослантирилган бўлса, Гроций биринчилардан бўлиб, соғлом инсоний ақл-идрок натижаси сифатида талқин этди. Т. Гоббс, Ж. Локк, Ж.Ж. Руссо, Н. Макиавелли, Ш. Монтескье, И. Кант⁴ ғояларида инсон ўз ҳуқуқларининг сиёсий ҳокимиятлар томонидан тан олиниши ва қонунлар билан қафолатланиши учун курашиб келганлиги асосланади.

Форобий қонун учун энг фойдали нарса қонуннинг ихтиёрий зарурат усулида амалга оширилиши, деб тушунтиради. Агар қонунлаштириш эркинлик билан ихтиёрий амалга оширилса, бўйсунуш, итоат ҳам фуқаро томонидан хайрихоҳлик ва қувонч билан қабул қилиниб, узоқ муддат давом этади. Агар таълимот ва қонунларга ўзгартириш ишлари босқичма-босқич ва доимо олиб борилса, аъло натижа беради⁵. Алломанинг фикрида фуқаро томонидан қонунлар англаб етилсагина, ишонч, бўйсунуш, итоат, оғишмай амал қилиш юзага келишига ишора қилинади. Англаб етиш эса эркинликни ҳис қилиш ва мажбуран билиш, тадбиқ этишга эмас, аксинча ихтиёрий ва ҳурмат асосида

¹ Қаранг: Касьянов В.В., Нечипуренко В.Н. Социология права. – Ростов н / Д: Феникс, 2001. – С. 32-36.

² Цицерон. О Государстве. – М.: Прогресс, 2000. – С.28., Қаранг: Касьянов В.В., Нечипуренко В.Н. Социология права. – Ростов н/Д: Феникс, 2001. – 30 с.

³ Қаранг: Касьянов В.В., Нечипуренко В.Н. Социология права. – Ростов н / Д: Феникс, 2001. – 31 с., Алексеев С.С. Философия права. – М.: Юридическая литература, 1999. – С 20-45.

⁴ Қаранг: Касьянов В.В., Нечипуренко В.Н. Социология права. – Ростов н / Д: Феникс, 2001. С. 32-38.

⁵ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий ном. халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.31.

этиқодни юзага келтиради. Фуқаролар онгига шошма-шошарлик билан эмас, босқичма босқич, узлуксиз, ишончни орттириб сингдириб бориш таъкидланади.

Хулоса қилиб, ҳуқуқни ўрганиш бўйича ёндашувларни икки гуруҳга ажратдик: биринчи гуруҳ олимлари инсоннинг хулқ-атворидаги омилларни излаш билан чегараланган бўлса, иккинчи гуруҳ олимлари инсон тафаккуридаги рационал-мантикийлик ҳаракатини яъни, инсоннинг онгли фаолиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун илмий изланишлар олиб борганлар.

Демак, ижтимоий ҳуқуқ – интеграция, умумийлик ва ҳамкорликдир. Биринчидан, ҳуқуқ норматив хусусият касб этади, у ёки бу хатти-ҳаракатни буюради ёки ман қилади. Иккинчидан, у ижтимоий нормаларнинг бир бутунлиги ва тартибли тизими билан фарқланувчи мураккаб ва ўта изчил тизимдир. Учинчидан, ҳуқуқ ҳар қандай ижтимоий меъёрларнинг эмас, фақатгина давлат томонидан буйруқларни қўллаш кафолатланган меъёрлар тизимидир. Ҳуқуқий меъёрлар маънавий, диний, анъанавий ва бошқа меъёрлардан ана шу жиҳати билан фарқланади. Тўртинчидан, ҳуқуқнинг барчага мажбурий системали – норматив табиати ва моҳияти унинг ижтимоий бошқарувдаги биринчи даражали ролини олдиндан белгилайди. Социологик жиҳатдан ҳуқуқ феноменини тадқиқ этишда унинг ижтимоий институт эканлиги объектив асос бўлади.

2-боб “**Ҳуқуқни англаш жараёнларининг институционаллашуви**” деб номланиб, ёшлар томонидан ҳуқуқни англашда ижтимоий-маънавий хусусиятларнинг роли, ислом фикҳи, Мовароуннаҳр фикҳ мактаби намоёндаларининг илмий-назарий мероси жамият ижтимоий ривожланиши манбаси ва асоси сифатида ўрганилган.

Бобнинг “Ёшлар томонидан ҳуқуқни англашнинг ижтимоий - маънавий хусусиятлари” номли биринчи параграфида шахсни ижтимоий институтлар фаолиятига боғлиқ ҳолдагина эмас, ижтимоий институтлар фаолияти ва ривожланишига онгли таъсир этувчи омиллардан бири сифатида тадқиқ этилади. Институционаллашув – маълум даражадаги ижтимоий эҳтиёжларни қондириш қобилятига эга ижтимоий меъёрлар, қоидалар, ролларнинг аниқланиш ва мустаҳкамланиш жараёни, уларни бир тизимга келтиришдир¹. “Ижтимоий ўзгариш институционал ва ноинституционал феноменлар ўртасидаги муносабатнинг ўзгаришидир”, деб фикр билдиради америкалик социолог Э. Тирикьян². Т. Веблен инсоният цивилизацияси тарихини, тарихнинг маълум даврларида устунлик ижтимоий институтларнинг алмашинуви деб тушунган³. У ижтимоий институтларнинг ўзини умумий қабул қилинган хулқ намуналари ва тафаккур қилиш одатлари деб изоҳлаган. Жамият аъзоларининг мазкур ижтимоий меъёрларга амал қилиб яшашларини назорат қилиб боровчи институтлар ижтимоий назорат институтлари дейилади. Ушбу институтларга оила, мактаб, маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, демократик

¹ Холбеков А., Идилов У. Социология. – Тошкент: Тиббиёт, 1999. – 67 б.

² Ўша жойда. –127 б.

³ Ўша жойда. –27 б.

институтлар ва жамоат бирлашмалари ҳамда нодавлат, нотижорат ташкилотлар киради.

Республикаимиз аҳолисининг 60 фоизидан кўпроғини 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. “Бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшларнинг 10 миллион 360 минг нафарини ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоизини; 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 64 фоизини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолининг аксарият қисмини ташкил этувчи ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат-марказида туриши шарт”¹. Ёшлар деганда, маънавий дунёси шаклланиш жараёнида бўлган 14-30 ёшлардаги инсонлар тушунилади. Кўпгина мамлакатларда ёшликнинг қуйи чегараси 14-16, юқори чегараси эса 25-30 ёшдир. “Аҳолининг 15-30 ёш оралиғидаги инсонларни ёшлар деб атаيمиз”, - деб фикр билдиради рус социологи Ю.Р. Вишневский². Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эса 1960 йилларда ёшликнинг чегарасини 15-24 ёш оралиғида деб белгилаган³. Мустақил касб фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ва имкониятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнашиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун фуқаро сифатида жавобгарлик қобилияти, никоҳга кириш ҳуқуқи мана шу қуйи чегарани аниқлашни тақозо этади. Турли хил давлатларда турлича концепциядан фойдаланилади. Лекин кўпгина давлатларнинг қонунларида (Масалан: Америка, Япония, Испания давлатларида) 14-30 ёшлардаги инсонларни ёшлар деб олинган⁴. Бунда ёшларни биологик, психологик ва социологик жиҳатдан фарқлашга эътибор қаратишимиз керак бўлади.

Мамлакатимизда ёшларнинг ўз келажагини фаровон ҳаёт асосига қуриши учун кенг имкониятлар очилди. Бунда, албатта ёшларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаши, ўз кучи ва имкониятларига таяниши, эркин ва ҳар томонлама баркамол бўлиши катта роль ўйнайди. Шахс ҳуқуқни англаш жараёнининг дастлабки босқичи ижтимоийлашув билан боғлиқдир. Ижтимоийлашув бу маданиятни ўзлаштириш (нормалар, қадриятлар, ғоя, қоидалар, ҳуққ қоидаларини тушуниш)дир. У нафақат шахс ривожланишига, балки инсоннинг маънавий ўзига хослигига ҳам боғлиқ. Э. Дюркгейм “ижтимоийлашув” тушунчасини жамоа онги муаммоси, энг аввало, авлоддан авлодга ўтадиган ижтимоий меъёр ва анъаналар билан боғлайди. М. Вебер ижтимоийлашув тушунчаси доирасида ассоциатив (уюшма) атамасини қўллаб, уни ихтиёрий ва институционал ижтимоийлашувга ажратади. Бу эса жамиятда қабул қилинган ижтимоий рағбатлантириш ва мажбурлаш меъёрлари ёрдамида шахсга сингдирилади. Америкалик социолог Т. Парсонс ижтимоийлашувни индивиднинг функционал мослашув жараёни сифатида тушунади. Кўпгина замонавий социологлар бу

¹ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда озод ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир // Халқ сўзи, 2007 йил, 8 декабрь. 234 – сон.

² Вишневский Ю.Р., В.Т. Шапко. Социология молодёжи: Учебник. – Екатеринбург: ГОУ ВПО УГТУ-УПИ, 2006. – 35 с.

³ Қаранг: Ильинский И.М., и др. Молодёжь планеты. – М., 1999. С. 50-54.

⁴ Вишневский Ю.Р., В.Т. Шапко. Социология молодёжи: Учебник. – Екатеринбург: ГОУ ВПО УГТУ-УПИ, 2006. – 36 с.

жараёни индивидлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва жамиятда қабул қилинган меъёр ва қадриятлар тизимига шахсий стратегиянинг ривожланиши сифатида қарайдилар. Ижтимоийлашув – инсон томонидан жамиятда ҳаёт кечириш имконини берувчи билим, меъёр ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилишидир. Демак, ижтимоийлашув асосида инсон маданиятни, хусусан миллий маданият анъаналарини (жумладан, ҳуқуқий жараёнларни ҳам) ўзлаштириб боради, десак янглишмаймиз. Ижтимоийлашув моҳияти жиҳатдан индивиднинг онг ва ҳулқ меъёрлари қобилятини ривожлантириш жараёнини ҳам ифодалайди ҳамда инсоннинг ахлоқий-маънавий камол топиши жараёнига хизмат қилади. Америкалик психолог Л. Кольберг руҳий (ахлоқий, маънавий) ривожланишни босқичларга ажратади. Учинчи даврни ўз-ўзини мустақил идора қилиш ҳуқуқи деб атайди. Инсон бу даражада мустақил тушуниш қобилятига эга бўлиши, шахсий ахлоқий тамойиллар шаклланишини, ахлоқий ҳаракатни шарт-шароитга қараб, фойда ва манфаатни рационал англаш (идрок қилиш) хусусиятига эга бўлишини таъкидлайди. Кольберг тадқиқотининг камчилиги шундаки, у фақат маънавий ривожланиш босқичларини ўғил болаларда тадқиқ этган ва бу фикрларни қиз болаларга нисбатан қўллаш мумкинмаслигини тушуниб етмаган. Яъни, инсоннинг шахс сифатида шаклланишида физиологик, биологик ва индивидуал психологик компонентларнинг етарли даражада роль ўйнашига эътибор бермаган. Индивид микротизим, мезотизим, экзотизим ва макротизим ўраб олган маданий муҳитнинг кучли таъсири орқали ижтимоийлашувни рўй беради. Бу ижтимоийлашувни биз ҳуқуқни англашда дастлаб инсон ҳуқуқий ижтимоийлашув жараёнида бўлишига ҳам татбиқ этсак, хато қилмаган бўламиз. Демак, ёшларнинг ҳуқуқни англашида ахлоқий тамойиллар ҳам асосий рол ўйнаб, англаниш жараёнида инсоннинг ўз-ўзини назорат қилишига ёрдамлашди.

Диссертант шунингдек, бугунги давр социологларининг фикрлари асосида ҳам ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнларини таҳлил этган. Социолог В.Т. Лисовский ёшларнинг ижтимоийлашувни хусусиятларига эътиборини қаратади¹. И.С. Кон ёшларнинг ижтимоий гуруҳ сифатидаги муаммоларини алоҳида тадқиқ этган². Ю.Г. Волков тадқиқотларида ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва роли, эҳтиёжлари, норасмий ёшлар бирлашмалари марказий ўрин эгаллаган³. Г. Тард, З. Фрейд, Ж.Пиаже, Г.Олпорта, Э. Эриксон, К.К.Платонова, Д. Дьюи, Ф.Знанецкий, Ж. Мид, Т.Парсонс, У. Томас ва Р. Мертоннинг⁴ ижтимоийлашув муаммолари, ёшларнинг нормаларни ўзлаштириш каби ғоялари диққатга сазовордир. Лекин бу ғояларнинг барчасида ғарбга хос руҳият ва маънавият сезилиб туради.

Диссертацияда ёшларнинг ижтимоий эҳтиёж ва меъёрларига таъсир этиб, уларни йўналтириб турувчи омиллар ҳам тадқиқ этилган. Турли хил ахборотнинг юқори тезликда кириб келиши натижасида ёшларнинг маънавий интеллектуал салоҳиятига салбий таъсир этиш хавфи ҳам юзага келади.

¹ Лисовский В.Т. Социология молодежи // Социологический словарь. 2-изд. – Минск, 1991. – С. 407-408.

² Каранг: Социология молодежи: Учебник. Под ред. В.Т. Лисовского. – СПб.: Питер, 1996. – С.5.

³ Волков Ю.Г. Социология молодежи: Учебное пособие. – Ростов н/Д, 2001. – С.8.

⁴ Тард Г. Социальная логика. – СПб: Питер, 1996, – 78 с., Фрейд З. Неудовлетворенность культурой // Тексты по истории социологии XIX-XX веков. Хрестоматия. – Москва: Наука, 1994. – 247 с., Каранг: Вишневский Ю.Р., Шапко В.Т. Социология молодежи. – Екатеринбург: ГОУ ВПО УГТУ-УПИ, 2006. – С. 54-57.

Ижтимоий муҳитда ҳуқуқий ахборотлар ҳам шахс хулқини тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида оммавий ахборот воситалари – газета, телевидениенинг таъсир доираси кучайиб, улар ёрдамида жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган билим олиш имконияти туғилди¹. Матбуот ижтимоий фикрни шакллантириш, доимий ва изчил таъсир ўтказиш хусусиятига эга. Газеталар ҳар куни миллионлаб кишилар томонидан ўқиладиган ахборот ва оммавий аудиторияга тез ҳамда самарали етказиб берувчи маълумот воситаларидан бири бўлиб қолди. Демак, янгиликларни билишга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Фикр, эътиқод эркинлиги асосан матбуотда ечимини топади. Республикамиздаги ҳуқуқий масалаларни ҳуқуқий газета ва журналларда ёритилиши, жамият, давлат ва шахс манфаатларини уйғунлаштириш жараёнини тезлаштиришга қўшаётган ҳиссасини билиш мақсадида респондентларга қуйидагича савол берилди: “Ҳуқуқий газета ва журналлардан қайсиларини ўқиб турасиз ва улардан қай бири Сизнинг талабингизга жавоб беради?”². Олинган маълумотларни таҳлил қилганимизда, ўрта-махсус маълумотга эга бўлганларнинг 37,6 % и, тугалланмаган олий маълумотлиларнинг 20,01 % и, олий маълумотлиларнинг 13% и «Пост»да газетасини, ўрта-махсус маълумотга эга бўлганларнинг 14% и, тугалланмаган олий маълумотлиларнинг 9,1% и, олий маълумотлиларнинг 11,2% и «Ҳуқуқ» газетасини ўқиб турар экан. Респондентларнинг фикрича, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётда фаоллигига тўсқинлик қилувчи асосий омиллар: биринчидан, шахсий фаол ҳаракатнинг сустлиги; иккинчидан, ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги; учинчидан, ҳуқуқ тизими тўғрисидаги билим, фикр ва қарашларни ёритаётган газета ҳамда журналлар уларнинг маънавий, ҳуқуқий эҳтиёжларини қониқтирмаётганлиги ёки баъзи бир журналларни олиб ўқиш имкониятининг йўқлигидадир.

Ижтимоий-ҳуқуқий ахборотларни инсон онгига сингдириш, миллий-ҳуқуқий қадриятларимизни шакллантиришда телевидениенинг роли беқиёсдир. Сўров натижаларига кўра, ёшлар онгида хорижий матбуотга нисбатан ишонч кучлироқ, гўёки, улар тасаввурида хорижда ахборотларни очик айтишади, ёшлар онгига мос хабарлар, маълумотлар беришади. Бундай тасаввур ва тушунчаларнинг пайдо бўлиши баъзида миллий оммавий ахборот воситаларига нисбатан ишончнинг сусайишига, зарур маълумот ва янгиликлардан узоқлашишга олиб келади. Бу эса ҳуқуқий ва сиёсий ижтимоийлашув жараёнини мураккаблаштиради. Шунингдек, узатилаётган ахборотларнинг объективлик масаласига ҳам эътибор бериш лозим. Объектив эмаслик, биринчидан, ишончсизликка, иккинчидан, нотўғри тасаввурнинг илдиз отиши ва жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини тушунишда англашилмовчиликка сабаб бўлади.

¹ Гидденс Э. Социология. Олий ўқув юртлари учун қўлланма // Тарж. Н.Маматов ва Ж.Бегматов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 489-490.

² Социологик тадқиқот муаллиф томонидан 2006 йилда Тошкент шаҳридаги ЎзМУ, ТошДТУ, ТошТЎИМИ ва ТошТРИ институтларида ўтказилган. Социологик тадқиқот сўровларида 900 та респондент қатнашган (Диссертацияда тадқиқот дастури, анкета саволлари, диаграмма, социогармама ва графиклар илова қилинган).

Респондентларнинг 40 % Ҳисобдан ортиги Россия ва хориж ахборот воситаларига мурожаат қилаётир. Демак, республикамиз оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий соҳага оид ахборотни ёритишда ёшларнинг эҳтиёжларини тўла қондира олмаётир. Республикамиз телевидениесида берилаётган баъзи ҳуқуқий кўрсатувлар ёшларнинг вақтини тўғри ҳисобга олмаган ҳолда режалаштирилмасдан узатилаётгани аниқланди. Шунингдек, сўров натижалари ёшлар тафаккурининг ўзига хос томонлари, уларнинг ҳуқуқий қарашларига ўзгартириш киритадиган, маънавий бойитадиган, қонун, ҳуқуқларга нисбатан эътиқод туйғусини шакллантирадиган кўрсатувларга муҳтожлик ва эҳтиёж кучлилигини кўрсатди. Демак, ҳар бир оила аъзосининг жамият ижтимоий ҳаётини тушуниши, қонун ва ҳуқуқни қай даражада англаб, унга риоя қилиши жамият раънақини белгиловчи муҳим омилдир. Сўралганларнинг асосий қисми доимий равишда ҳуқуқий мавзуларни журнал, газета, телевидение, конституция ва дарсда олинган билимлар асосида ўрганишар экан. Инсоннинг нима учун ҳуқуқий ахборот билан танишиб боришини таҳлил қилганимизда, респондентларнинг 51,3 %и дунёқарашини кенгайтириш учун, 43,4 %и ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини билиш ва ундан тўғри фойдаланиш учун, 29,8 %и қийин вазиятларда қонунни бузмасдан ўз мақсадига эришиш учун, 33,2 %и ўз ҳуқуқларини билиш ва масъулиятини тўғри бажариш учун, 15,4 % қизиқарли бўлгани учунлиги аниқланди. Ҳуқуқий муносабатларни ифодаловчи яна бошқа омиллардан бири ҳуқуқий ахборот ва билимларни тўғри баҳолай билиш, масъулият, бурч, жавобгарлик тушунчалари ҳисобланади.

Демак, ҳуқуқни англаш жараёнига ижтимоий-маданий хусусият сифатида таъсир этувчи учта омилни кўрсатиш мумкин: 1) Жамиятда кучли ижтимоий-ҳуқуқий муҳитнинг зарурлиги; 2) шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувини тўла таъминловчи шароит; 3) маданий-ҳуқуқий мерос. Зеро, ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрлари ҳаётга тадбиқ этилган, ижтимоий алоқа субъектлари фаолиятида амалга ошган пайтдагина у олий қадрият сифатида майдонга чиқади.

2-бобнинг “Ислом ҳуқуқининг ижтимоийлашув эволюцияси ва унинг ҳуқуқни англашдаги роли” номли иккинчи параграфида Ҳуқуқни англаш жараёнлари фикҳ илмининг рационаллик ва ғносеологик характери асосида таҳлил этилган. Марказий Осиёда инсон ҳуқуқлари ва демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос хусусиятлари мавжуд. М. Осиё халқлари тарихида Ислом маънавияти, фалсафаси ва шарият ҳуқуқий тафаккури IX асрдан XX асрлар бошларига қадар шаклланиб, тараққий топиб келган. Зеро, “Марғиноний кўпинча икки қонидани ифода қилмоқ учун масаланинг аслига насснинг иллатини мустақил ақлий далил қилиб келтирганлар. Марғиноний ақлий далилни “фикҳ” деб номлаганлар”¹. Шарият икки қисмдан ташкил топган: илоҳиёт (теология) ёки эътиқод тамойиллари (ақида) ва ҳуқуқ (фикҳ). Исломшунос Г.А. Гибб фикрича, теологияда “илм” “позитив билим” ни билдирса, “фикҳ” – “тушуниш” (англаш) теологияга асосланган ҳуқуқ маъносини англатади².

¹ Бурҳониддин ал-Марғиноний. Ҳидоя. – Тошкент: Адолат, 1-жилд. 2001. – Б.22.

² Gibb H.A. Modern Trends in Islam. The University of Chicago Press. – Chicago-Illinois, 1954. P.49.

Ундан ташқари диссертант ёшларнинг ҳуқуқни англаш муаммоларини маҳаллий, миллий тизимда қуйидаги ёндошувлар асосида ҳам таҳлил этган:

1. Табақавий ёндошув: ёшларни ижтимоий бирлик сифатида ўрганиш ва ижтимоий - демографик жиҳатларини аниқлаш;

2. Институцион-функционал ёндашув: Ёшлар ва ёшлар ҳаракати -ижтимоий институт сифатида ўрганилиши ;

3. Маданий-аксеологик ёндашув: ёшлар ҳаёт тарзи, қадриятлар тизими, меъёрлар, ҳуқ-атвор, субмаданияти, янги норма ва қонунларни ўзлаштириши ҳамда ижобий муносабатнинг шакллантирилиши;

4. Ресурсли ёндашув: ёшлар-ижтимоий ривожланиш потенциали сифатида тадқиқ этилган.

Ушбу бобда қуйидагича хулоса чиқарилган: 1. Ҳуқуқ – аҳоли ва фуқаролар ўртасидаги мувозанат ва уйғунликни таъминловчи куч. 2. Ёшларнинг жамият ҳаётига кириб келишида ва ўзига хос ўрин эгаллашида қуйидаги икки омил асосий рол ўйнайди: 1) ижтимоий эҳтиёжлар; 2) ижтимоий меъёрлар. 3. Мусулмон ҳуқуқи Мовароуннаҳр халқларини ижтимоий-руҳий жиҳатдан бирлаштирган ва диний ҳуқуқни англашда ижтимоий фаоллик бошланишига туртки бўлган. 4. Ислом фикридаги асарлар бугунги кунда ҳам ёшлар ҳуқуқий маданиятининг шаклланишида асосий манба бўлиб хизмат қиляпти. 5. Дин – жамиятда ижтимоий-маданий интеграцияни таъминловчи куч бўлиб, диний-маданий инновацияни юзага келтиради. 6. Дин ва иймонда эътиқодий бағрикенглик устувор қадрият, демак, у шахс, ижтимоий институтлар ва жамият манфаатлари ўртасидаги ижтимоий муносабатларда мувозанатни сақловчи ва таъминловчи манба ҳисобланади. 7. Дин – ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, шахс ижтимоийлашувининг бузилиш ҳолатининг олдини олишга ёрдам беради. Жамиятда умумэътироф этилган ижтимоий меъёрларни ўзлаштириш ва унга зид криминал ҳуқуқни юзага келишига тўсиқ бўлувчи омилдир.

“Жамият ривожланишида ҳуқуқни англаш жараёнларининг ижтимоий аҳамияти” деб номланган 3-боб, жамият ҳуқуқий маданияти шаклланишида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг роли, ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида объектив ва субъектив омиллар, ҳуқуқий онг ва маданият асосида таҳлил қилинган.

Бобнинг “Жамият ҳуқуқий маданияти шаклланишида шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувининг роли” номли биринчи параграфида ҳуқуқий онг ва маданиятнинг индивидуал ҳамда гуруҳий жиҳатларининг турли тизимларда намоён бўлиш хусусиятлари асосида тадқиқ этилади. Ҳуқуқий онг бу жамиятдаги индивид, гуруҳларнинг ҳуқуққа бўлган муносабатларини намоён қилувчи ғоя ва эҳтирослар ўзаро боғланишининг объектив йиғиндиси – бир бутун ижтимоий институт, унинг тизими ва тузулиши, алоҳида қонунлари ва ҳуқуқий тизимини таснифлашдир. Бошқача айтганда, ҳуқуқий онг индивид ва гуруҳларнинг ҳуқуқий баҳоси, уни қўллаш ва намоён бўлиш шакллари ҳақидаги билимлар тўпламидир. Ҳуқуқий онгнинг шаклланиши жамиятнинг тарихий тажрибаси таъсирида содир бўлиб, индивид ва турли гуруҳларнинг ўзига хос ижтимоий тажрибасига асосланади. У мураккаб ижтимоий тузилишга эга,

шунингдек, микро ва макроижтимоий гуруҳларнинг, жамиятнинг ҳуқуқий онги билан биргаликда ҳуқуқий онг тузилишини ташкил этади. Аҳоли (субъектлар) ҳуқуқий онги ўртасида ўхшашлик ва фарқ бор. Гносеологик нуқтаи назардан уларнинг барчаси ягона инъикос предметга – кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларга эга. Диссертацияда ҳуқуқни англашнинг уч омили алоҳида таҳлил қилинади:

1. Ижтимоийлашув ва ижтимоий мослашув; 2. Индивидуал ва гуруҳий ҳуқуқий онг; 3. Ҳуқуқий маданият.

Бобнинг “Ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида объектив ва субъектив омиллар” номли иккинчи параграфида ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви, шахс сифатидаги ривожланишига таъсир этувчи омиллар тарзида таҳлил этилади. Диссертацияда шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида оид объектив ва субъектив омиллар аниқланиб, унга: а) ҳуқуқ ва эркинлик шаклланишининг шарт-шароитлари; б) аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, эркин фикр; в) анъаналарнинг таъсири; г) ахборотдан фойдаланишнинг имконият даражаси; д) авторитар тафаккур ва унинг таъсири; ж) сиёсий-ҳуқуқий маданият; з) оппозицион тафаккурнинг ривожланишини киритдик. Бунда ёшлардаги ҳуқуқий тарбия ва маданиятни шакллантиришнинг мақсади қонунга итоаткорликни, қонунни ҳурмат қилишни ва нафақат ҳурмат қилиш, ҳуқуқ меъёрларига нисбатан ташқи кўрсатмалар, таъқиқлар орқали шунчаки риоя қилишнинггина эмас, балки шахс билан жамият бир-бирига мос тушган қадриятлар сифатида узвий идрок этишни аниқлашдадир. “Сизнингча, ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун фуқароларимизнинг билим даражаси ва руҳияти жамият ҳаётига тайёرمи?” деган саволимизга, респондентларнинг 33,10 % и “ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириб кейин ҳуқуқий давлат қуриш мумкин”, деган вариантни белгиллаганлар. Бундай жавоб белгиланишига асосий сабабларидан бири, фуқаролар онгига ҳуқуқий билимларнинг тушунарли тарзда етиб келмасидан туриб, айрим қонунларга ўзгартириш киритилганлиги бўлса, иккинчидан, оммавий ахборот воситалари томонидан етказиладиган хабарнинг оммага содда ва аниқ маълумотлар билан тўлиқ таништирилмаганлигидадир. Ёшларда ҳуқуқий давлат тўғрисидаги фикрлар, қарашлар ва тасаввурлар мавҳум ҳамда тўлиқ эмас. Бу жамиятда ижтимоий-ҳуқуқий масалаларни ечишда бир қанча қийинчи-ликларни, ижтимоий фаолиятда эса турли хил зиддиятларнинг келиб чиқиш эҳтимолини беради.

Тадқиқот натижалари асосида индивидуум хулқининг ҳуқуқий типологиясини аниқлашга ҳаракат қилинди. Текширилаётган индивидуумлар ижтимоий ҳуқуқий белгилари мажмуасига қараб кескин фарқ қилади. Шунингдек, амалдаги қонунга муносабат, қонун ва хулқ билан боғлиқ даражасига кўра ўзаро бир-бири билан ҳам фарқланади. Шунга асосланиб биз ижтимоий гуруҳ кўрсаткичларини бир неча элементлар билан ифодаладик: а) хулқнинг турли вариантларини танлашда атрофдагиларнинг таъсир даражаси (кичик гуруҳлар, оила, дўстлар, танишлар); б) ижтимоий фаоллик (жамоат ишлари, турли хил йиғинларда қатнашиш); в) ҳуқуқ соҳасида фаоллик (ҳуқуқни ҳимоя ва тарғиб қилувчи органларида иштирок этиш); г) (жамоа учун фойдали) ҳуқуқий маълумотлар, манбаларни халқ фойдаси йўлида ишлатилиш даражаси.

Бу кўрсаткичлар ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик тажрибаларини характерлайди. Биз ижтимоий гуруҳларни ўрганиш асосида уларнинг қонун тўғрисидаги тасаввурларини билишга ҳаракат қилдик ва буни қуйидагича таснифладик: а) қонунга ундан фойдаланишни билиш оқибатида риоя қилиш сабаблари (англанган ҳаракат); б) қонунга ундан фойдаланишдан қатъий назар қаттиқ риоя қилиш сабаблари (чунки “қонун бу қонун” деб тушуниш); в) қонундан “одатдагидек” фойдаланиш сабаблари (бу одат индивидуум қонига сингиб кетган бўлади); г) қонун фуқароларнинг ижтимоий манфаатлари ва шахсий ҳаётини ҳимоя қилади, шунинг учун ҳуқуқ доирасида фаолликни кўрсатиш сабаблари.

Баъзи гуруҳ кўрсаткичларини қуйидагича таҳлил қилдик: а) атрофдагиларнинг ҳулққа кўр-кўрона тақлид қилиш оқибатида қонунга риоя қилиш сабаблари (дўстлар, танишлар); б) кўпчиликка эргашган ҳолда (“ҳамма сингари”) қонунга риоя қилиш сабаблари; в) қонунга риоя қилишнинг муҳим сабаблари (шахсий манфаатни кўзлаб);

Сўровнома натижаларини ҳулосалаб, ҳуқуқни англаш (онг)ни қуйидаги даражаларга бўлдик: 1) эмоционал образлардан ташкил топган йўналтириш даражаси; мантикий – норматив ва принципиал идрокли блоклар; 2) ижтимоий-ҳуқуқий фаолликлар тажрибасининг даражаси; 3) ҳуқуқ соҳасида ҳулқнинг позитив асосли даражаси; 4) негатив асослар даражаси.

ХУЛОСА

Ёшларнинг ҳуқуқни англашида ҳуқуққа, қонунларга нисбатан ҳурмат туйғулари муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуққа нисбатан ҳурматни шакллантириш жараёнини аниқлашда ижтимоий омилларни классификациялаш катта аҳамиятга эга. Уларни социологик жиҳатдан қуйидагича классификация қилинди: а) давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги тасаввур шаклланишига таъсир этувчи омиллар; б) ҳуқуқий норма ва институтларни билиш даражасини аниқлаш омиллари; в) ижтимоий омиллар, қонун, ҳуқуқларга нисбатан ҳурмат ҳиссининг шаклланиш механизми хусусиятлари ва тузилманинг бир-бирига боғлиқлиги; г) ҳуқуқбузарликка сабаб бўлувчи омиллар, яъни ҳуқуқий меъёрлардан оғиш детерминантлари.

Юқоридаги ҳулосалардан келиб чиқиб, тадқиқотда қуйидаги тавсиялар берилган:

- шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни ўрганиб бориш ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнларини аниқлаш имконини беради;

- ёшларнинг ҳуқуқий фаоллигини шакллантириш, унинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик даражасини аниқлаш жамият аҳолиси ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлашга ёрдам беради;

- ёшларнинг ҳуқуқий эҳтиёж даражасини социологик тадқиқотлар асосида ўрганиш жамиятдаги ижтимоий институтлар фаолиятини тўғри ташкиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашади;

- янги ишлаб чиқилган қонунларга нисбатан шахс ҳуққининг мослашувчанлигини таъминлаш ҳуқуқий ижтимоийлашувда мавжуд бўлган муаммоларни ечишга имкон беради;

- ҳуқуқий ва демократик институтлар фаолиятини мукаммаллаштириш орқали шахс ҳуқуқий ҳуққини тўғри баҳолаб бориш ҳамда фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввур ва қарашларини бойитиш мумкин;

- ихтисослаштирилган ҳуқуқий ахборот тизимининг таъсир доирасини кенгайтириш ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини ривожлантиришга, кутилмаган муаммолар юзага келишининг олдини олишга ёрдамлашади;

- мунтазам тадқиқотлар асосида жамиятнинг ҳуқуқий ахборотни қабул қилиш даражасини аниқлаш ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардан бегоналашиш муаммосининг олдини олиши мумкин;

- оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий кўрсатувларни аниқ тизимга солиш ва классификациялаш ёшларнинг ҳуқуқий соҳаларда кечаётган ўзгаришлардан бохабар бўлишини таъминлайди ва ушбу омил фуқаролик позицияси шаклланишига асос бўлади;

- ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражаларини ўрганиб боровчи мониторинг институтини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларида фаол иштирок этишига имкон яратади;

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Маткаримова Ж.Д. Ижтимоий муҳит «микроби» // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2000. – №3. – Б.46-51.
2. Маткаримова Ж.Д. Ҳуқуқ социологияси: у нимани ўрганади? // Қонун химоясида. – Тошкент, 2001. – №7. – Б.30-33.
3. Маткаримова Ж.Д. Ҳуқуқий ахборотлар – ҳуқуқий маданиятни шакллантириш омили // Ижтимоий фикр.Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2007. – №2. – Б. 175.
4. Маткаримова Ж.Д. Ислом ҳуқуқий мероси ва таълим-тарбия масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2007. – №4. – Б. 36-37.
5. Маткаримова Ж.Д. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашуви ва унинг ижтимоий хусусиятлари // Таълим муаммолари. – Тошкент, 2008. – №3-4. – Б 73-75.
6. Маткаримова Ж.Д. Талабада мустақил фикрлашни шакллантириш // Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологияларидан фойдаланиш / ТошТЙМИ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 24-25.
7. Маткаримова Ж.Д. Ҳуқуқни англашнинг ижтимоий–маънавий жиҳатлари // Формирование интеллектуального, творческого и духовного потенциала личности обучающихся в современных условиях. Часть 15 / ЎзОЎМТВ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 32-35.
8. Маткаримова Ж.Д. Ўзбекистонда демократик жамиятни шакллантиришнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари // Ўзбекистонда демократик ислохотларни ривожлантиришнинг долзарб вазифалари мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2005. Т-2. – Б.146.
9. Маткаримова Ж.Д. Техник олийгоҳларда ижтимоий фанларни Янги педтехнология асосида ўқитиш хусусиятлари. ХХІ аср техник таълим педагогикаси Республика илмий-амалий конференция. – Тошкент: ТошТЙМИ, 2-қисм. 2005 май. – Б.74.
10. Маткаримова Ж.Д. Шахс ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш бугунги кун талаби // “Ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани. – Жиззах: ЖизДПУ, 2006. – Б. 29.
11. Маткаримова Ж.Д. Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувини таъминлаш ҳуқуқий давлат асоси // XXV республика илмий-услубий конференция. –Тошкент: ТошТЙМИ, 2008. –Б.163.
12. Маткаримова Ж.Д. “Социология” сиртки бўлим талабалари учун ёзма назорат ишларининг мавзулари (ҳаммуаллиф Э. Ғойибназаров) / Услубий тавсия. – Тошкент: ТошТЙМИ, 2005. – 26 б.
13. Маткаримова Ж.Д. XIX ва XX асрларда Европа ва Америкада ҳуқуқ социологияси / Услубий қўлланма. – Тошкент: ТошТЙМИ, 2007. – 42 б.
14. Маткаримова Ж.Д. Социология фанидан изоҳли луғат / Қисқача изоҳли луғат. – Тошкент: ТошТЙМИ, 2007. – 40 б.
15. Маткаримова Ж.Д. Социология (ҳаммуаллиф Э.Ғойибназаров) / Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТошТЙМИ, 2007. –133 б.

Социология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Маткаримова Жамила Дурдиевнанинг 22.00.01. - Социология назарияси, услубияти ва тарихи ихтисослиги бўйича “Ўзбекистон ёшларида ҳуқуқни англаш жараёнларининг социологик таҳлили” мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: ҳуқуқ, ҳуқуқни англаш жараёни, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, шахсининг ҳуқуқий ижтимоийлашуви.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон ёшларида ҳуқуқни англаш жараёнлари ва унга ижтимоий омилларнинг таъсири.

Ишнинг мақсади: ҳуқуқни англаш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, унга ижтимоий муҳитнинг таъсири, шаклланиш ва ривожланиш босқичидаги муаммоларни социологик таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни илмий ўрганиш, шу асосда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: қиёслаш, кузатиш, умумлаштириш, диалектик, системали ва функционал ёндошиш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, эмперик социологик тадқиқотнинг сўровнома каби методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: ҳуқуқ ва уни англаш жараёнлари социологик таҳлил этилган; ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнларида шахсининг ҳуқуқий ижтимоийлашуви, ҳуқуқий онг ва маданият роли аниқлаштирилган; ёшларнинг ҳуқуқни англаш жараёнига ҳуқуқнинг ижтимоий институти сифатидаги таъсири тадқиқ этилган; “горизонтал ва ихтисослаштирилган ҳуқуқий ахборотлар” тушунчалари социологияда илк бор илмий таҳлил қилинган; ҳуқуқни англаш жараёнларининг эволюцион тавсифга хослиги асосланган; ёшлардаги ҳуқуқни англаш жараёнларининг ҳуқуқий онг ва маданиятга таъсир этувчи омиллари социологик тадқиқотлар орқали ўрганилган.

Амалий аҳамияти: Диссертациянинг назарий-социологик умумлашмаларидан, хулосаларидан “Социология”, “Жамият фалсафаси”, “Ҳуқуқ социологияси”, “Шахс социологияси” фанларини ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижалари журналларда, илмий конференцияларда нашр қилинган мақолаларда ва ўқув-услубий қўлланмада ўз ифодасини топган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: Тадқиқот натижаларини олий таълимнинг бакалавриат босқичи, коллеж ва академик лицейларда қўллаш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Маткаримовой Жамилы Дурдиевны на тему: “Социологический анализ процессов осознания права у молодёжи Узбекистана” на соискание ученой степени кандидата социологических наук по специальности 22.00.01-Теория, методология и история социологии

Ключевые слова: право, процессы осознания права, правовая социология, правосознание, правовая культура, правовая социализация личности.

Объекты исследования: социологический анализ процессов осознания права у молодежи Узбекистана и воздействие на них социальных факторов.

Цель работы: социальные аспекты осознания права у молодежи, воздействие на них социальной среды, социологический анализ проблем периода формирования и развития, а также научное изучение объективных и субъективных факторов, влияющих на них, разработки на основе предложений и рекомендаций.

Методы исследования: сравнение, наблюдение, обобщение, диалектический, системный и функциональный подход, анализ и синтез, индукция и дедукция, анкетирование (опрос) социального исследования и др.

Полученные результаты и их новизна: проведен социологический анализ права и процессов его осознания; определены роль и значение правовой социализации личности; правосознания и правовой культуры в процессах осознания права молодежью; исследованы вопросы влияния права, выступающего в качестве социального института на процесс осознания права молодежью; впервые в социологии проведен научный анализ понятие «горизонтальная и специализированная правовая информация»; посредством социологических исследований изучены отдельные факторы процессов осознания молодежью права, влияющие на правосознание и правовую культуру.

Практическая значимость: теоретически-социологические обобщения, заключения диссертации могут быть использованы при изучении таких дисциплин, как «Социология», «Философия общества», «Правовая социология» («Социология права»), «Социология личности».

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования нашли отражение в научных журналах, в сборниках статей различных конференций, а также в учебно-методическом пособии.

Область применения: результаты исследования могут быть использованы при обучении бакалавров в вузах, а также колледжах и академических лицеях.

RESUME

Thesis of Jamila Durdiyevna Matkarimova on the scientific degree competition of the doctor of sciences in sociology on speciality 22.00.01 – theory, methodology and history of sociology on the subject: "Sociological analysis of the processes of legal consciousness of youth of Uzbekistan"

Key words: the right, comprehension of the right, legal sociology, civil law, law comprehension, legal culture, legal sociology of the person.

Subjects of research: evolution of processes of comprehension of the rights at youth of Uzbekistan and influence on them of social factors.

Purpose of work: social aspects of evolution of comprehension of the right at youth, influence on them of social environment, sociological analysis of problems of the period of formation and development, and also scientific study of the objective and subjective factors influencing them, development on this basis of the offers and recommendations.

Methods of research: history, comparison, supervision, generalization, dialectic, system and functional approach, analysis and synthesis, induction and deduction, questionnaire (interrogation) of social research etc.

The results obtained and their novelty: The sociological analysis of the right and processes of his(its) realization are organized; the certain role and importance of the legal socialization to personalities, right of the consciousness and legal culture in process of the realization of the right by youth; the explored questions of the influence of the right, actaasing social institute on process of the realization of the right by youth; for the first time in sociologies is organized scientific analysis notion "horizontal and specialized legal information"; by means of sociological studies studied separate factors processes of the realization by youth of the right, influencing upon consciousness and legal culture.

Practical value: theoretically - sociological generalizations, the conclusions of the dissertation can be used at study of such disciplines, as "Sociology", "Philosophy of a society(community)", "Legal sociology" (Sociology of the right), "Sociology of the person".

Degree of embed and economic effectivity: the results of research have found reflection in scientific journal, in the collections of articles of various conferences, and also in the educational-methodical grant (manual).

Field of application: the results of research can be used at training the bachelors in high schools, and also colleges and academic Liceums.